

““Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси

## I. ХУЖЖАТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН АСОС

Лойиҳа ташаббускори – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги “Ўзтемирйўлназорат” инспекцияси

Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ҳузурида 2021 йил 15 январда ўтказилган йиғилиш 1-сон баёни37-банди, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири биринчи ўринбосарининг 2021 йил 26 апрелдаги 05/1-2840-сон топшириғи

## II. МАВЖУД МУАММОЛАР

Ўзбекистон Республикаси “Транспорт тўғрисида”ги қонуни 14-моддасининг амалда ижроси таъминланмаган

Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўллари ягона давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобини юритишнинг механизми мавжуд эмас

Республикадаги мавжуд темир йўллар узунлиги, локомотив ва вагонларнинг сони, уларнинг тегишлилиги ва техник ҳолати бўйича аниқ ва тўлиқ статистик маълумотлар мавжуд эмас

## III. ХУЖЖАТ БИЛАН:

Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўллари давлат рўйхатидан ўтказиш орқали ҳисобга олиш ва давлат реестрини юритиш бўйича ягона ваколатли орган этиб белгиланади

ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўллари давлат рўйхатидан ўтказиш орқали ҳисобга олиш ва давлат реестрини юритиш тўғрисидаги низом тасдиқланади

Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўллари давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланади

## IV. ЭРИШИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР

- 1) миллий қонунчиликдаги бўшлиқлар бартараф этилади ва қонунлар ижроси таъминланади;
- 2) барча ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўл инфратузилмаси объектларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларни ҳисобдан чиқариш, техник кўрикдан ўтказиш, гувоҳнома бериш, ҳисобга олиш ва Давлат реестрини юритиш тартиби ва механизми белгиланади;
- 3) модернизация ва реконструкция қилиш (қайта жиҳозлаш) оқибатида техник кўрсаткичлари ёки эгаси ўзгарган ҳолларда, шунингдек ижарага берилганда ва ижараси тугаганда, хизмат муддати узайтирилганда, фойдаланишдан чиқарилганда (ҳисобдан чиқарилган, тикланиб бўлмайдиган даражада шикастланган, хизмат муддати ўтган, режали турдаги таъмирлаш муддатлари ўтган, юриш қисмининг носозликлари) ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва темир йўллари ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби белгиланади;
- 4) республикада мавжуд бўлган барча ҳаракатдаги таркиб ва темир йўллар тўғрисида аниқ ва тўлиқ статистик маълумотларни тўплаш, улар бўйича турли ҳисоботларни тез ва сифатли тайёрлаш имконияти яратилади;
- 5) темир йўл транспортида ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги таъминланишини назорат қилиш соҳасини рақамлаштириш имконияти пайдо бўлади;
- 6) ҳаракатдаги темир йўл таркибини (локомотивлар, юк вагонлари, махсус ҳаракатдаги таркиб ва бошқа ҳаракатдаги таркиб) ва инфраструктура объектлари (шу жумладан, шохобча темир йўллар)нинг техник ҳолатини масофадан туриб назорат қилиш имконияти яратилади;
- 7) инспекция қонуний кўрсатмалари ижроси таъминланади.